
РИШТОНДА ҚУРИЛИШИ ЯҚУНЛАНАЁТГАН КУЛОЛЧИЛИК МАРКАЗИ, МЕҲМОНХОНА ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИДАН ИБОРАТ МАЖМУА ТУМАННИНГ ЯНГИ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”ГА АЙЛАНАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ишлар, тумандаги инвестиция лойиҳаларининг ижроси билан танишиш мақсадида вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга бугун Риштон туманида бўлди.

Вилоят раҳбари ўрганишлар жараёнида тадбиркор Исломжон Орифжонов раҳбарлигидаги “Чинор плюс-2020” корхонаси томонидан амалга оширилаётган ва қурилиш-жиҳозлаш ишлари яқунланаётган Кулолчилик маркази, меҳмонхона ва маиший хизмат кўрсатиш марказидан иборат мажмуа лойиҳасини кўздан кечирди.

Оқер МФЙ ҳудудида жойлашган ушбу мажмуанинг дастлабки лойиҳа қиймати 35 миллиард сўм деб белгиланган бўлса, лойиҳани амалга ошириш жараёнида киритилган ўзгаришлар ҳисобига бугунга кунда мажмуа қурилишига киритилган инвестиция миқдори 50 миллиард сўмдан ошди. Бу маблағнинг 25 миллиард сўмини Ўзсаноатқурилишбанк кредити ташкил этса, қолган қисми тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келади. Лойиҳани қисқа муддатда сифатли яқунлаш ва фойдаланишга топшириш учун тадбиркорга яна қўшимча 5 миллиард сўм банк кредити ажратилган бўлди.

Тез орада фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган туристик мажмуада меҳмонхона, сауна, ёзги ва қишки бассейн, банкетлар зали ва бошқа хизмат кўрсатиш шахобчалари жойлашган бўлиб, Риштон туристик салоҳиятининг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Ушбу мажмуага ёндош ҳудудда Кулолчилик маркази ҳам барпо этилди. Мажмуада жами 500 га яқин доимий иш ўринлари яратилмоқда.

Вилоят ҳокими ташриф буюрувчилар учун қулайликларни ошириш бўйича ўз тавсияларини берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2023-05-26 21:02:45